

МАРКАЗИЙ БАНК ХАБАРИ

Банк тизимидаги ТОП-10 тижорат банкининг юқори фойиз ставкалари бўйича амалга оширилган навбатдаги мониторинг натижасларига кўра, 2022 йил 1 январь ҳолатида ушбу банклардаги аҳоли омонатларининг юқори фойиз ставкалари 20-22 фойиз атрофида шаклланиб, ўртача 21,1 фойизни ташкил қилди.

Эслатиб ўтамиз, аҳоли омонатлари бўйича юқори фойиз ставкаларини аниқлашда барча мижозлар, шу жумладан, потенциал мижозлар учун оммабоп чекловлар ва олдиндан шартлар мавжуд бўлмаган банк омонатларининг юқори ставкалари ҳисобга олинди.

Алоҳида тоифадаги мижозлар (пенсионер, болалар, талабалар ва х.к.) учун мўлжалланган ҳамда капитализация қилинадиган омонатлар ҳисобга олинмаган.

◆ Пуллар тарихидан

“ЭНГ ЧИРОЙЛИ ПУЛЛАР”

Қадимги Юнонистонда кумуш тангаларга бошқоқ расми, ҳозирги Ливан тангасида кедр дарахти, Вьетнамнинг ўн донгли тангасида шоли попузи, Малининг юз франкли тангасида эса маккажўхори сўтаси тасвири туширилган.

1967 йилдан бошлаб кенг муомалага киритилган Сингапур доллар кушлар, кемалар, гуллар ва бошқа нарсалар билан безатирилган. Бу пул дунё пуллари ичида ҳам энг чиройли бўлишга даъвогарлик қилади.

БИР ЧАҚАГА 13 ТИЙИН

Россия зарбхонаси маълумотига кўра, битта беш рублли тангани тайёрлашга 67 тийин, икки рублли тангага – 79 тийин, бир рублига – 35 тийин, эллик тийинликка – 26 тийин, бир тийинлик чакани ясашга эса 13 тийин маблағ сарф бўларкан.



ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ: авлодлар анъанаси давом этмоқда

КУЛГИ БЕКАТИ

Дилкушод қишлоғида истиқомат қилувчи Буойиша хола қишнинг совуқлари, болаларнинг шўхликлари ва хархашаларидан безор бўлиб, Мастура момага ҳасрат қилди.

ЁЗҒИРИШ

— Яратганнинг ўзи биз бандаларга раҳм қилиб, болаларимизни қишда ерга кўмиб қўйиши, баҳорда қовлаб оладиган қилиб қўймаган эканда.

— Вой, мунча қаҳрингиз қаттиқ, овсин? — деди Мастура мома. — Фарзандларимизга шундай азобни раво кўрасизми? Ўзи мен ҳам безорман шу бети сидирилиб товонига тушгурлардан. Айниқса, аёзда калишларимни сувга тўлдириб қўядиган, уй

эшикларини доимо очик қолдирадиган Ҳасан ва Хусанларимдан. Мендан сўрасангиз, Аллоҳнинг паррандаларидан бўлган қушлар қишда иссиқ ўлкаларга учиб кетаётган, невараларимизни ўзлари билан олиб кетишса-ю, баҳорда уларни бағримизга соғ-омон қайтаришса, дегим келади. Бирир мусофирчиликни танасида ҳис қилиб, бурниларига сув кирармикин, деб ўйлайманда, бу умринг узок бўлгиларни.

Расулжон МУХТОРОВ.



Бир йигит сеҳрли чироқни топиб олибди-да, уни ишқалабди. Шу пайт ичидан жин чиқиб:

— Тила тилагингни..., — дебди.

Йигит шошилиб қолиб: — Тинч океани устидан ўтадиган кўприк қуриб бер!, — деб юборибди.

Афанди боғчасига ўтказган кўчатларини ҳар куни кечқурун кўчириб, уйига олиб кириб кетар эди. Бу аҳволни кўшнилари кўриб:

— Афанди, бу нима қилганингиз? — дейишди.

— Ўзингга эҳтиёт бўл, кўшнингни ўғри тутма, — деди Афанди.


— Эсинг жойидами?! У океан бўлса... Ўзингга фойдалироқ нарсани сўрасанг-чи, — деса, йигит: — Дунёдаги барча аёлларни жаврамайдиган қилиб қўй!, — дебди.

Жин ҳам ўйланиб туриб: — Қаерга кўприк қуриш керак эди?... — дермиш.

Она ўғлини тишини олдириб, стоматолог хонасидан чиқаверишда боласига:

— Врагча нима дейиш керак ўғлим? — деса, болакай:

— Қонхўр аблаҳ! — дебди.



2022 йил, январь

УШБУ СОНДА:

БАНК
СТРУКТУРАСИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАР

РОССИЯДАН ТЕЗКОР
ВА ҚУЛАЙ ПУЛ
ЎТКАЗМАЛАРИ

“НАМКORBANK”ДА
ҲАР ҚАНДАЙ
ЭҲТИЁЖЛАР УЧУН
КРЕДИТЛАР МАВЖУД

МУВАФФАҚИЯТИМИЗНИНГ
КАЛИТИ
— ЙИРИК МИЖОЗЛАР

“ҲАМИША
БИРИНЧИЛИККА
ИНТИЛАМИЗ”
бу “Шоҳбекат” банк
хизматлар офиси
жамоасининг шиори

Бугунги кунда рақамли-молиявий хизматларнинг турлари ва улардан фойдаланаётган истеъмолчилар сони ортиб бормоқда. Айниқса, пандемия шароитида ушбу рақамли-молиявий хизмат турларидан фойдаланишга бўлган талабнинг ортиши унинг муҳим афзалликларини кўрсатиб берди.

РАҚАМЛИ-МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР: ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

Истеъмолчиларнинг рақамли хизматлардан фойдаланишида уларнинг ҳавфсизликларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқаруви томонидан кредит ва тўлов ташкилотлари учун тавсиявий характерга эга рақамли-молиявий хизмат турларининг истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш стандартлари тасдиқланди.

Истеъмолчиларга тақдим этиладиган хизматлар бўйича ахборотларнинг минимал ҳажми, уларни тақдим этиш қоидалари ва тартиби, шунингдек, мазкур хизматларни кўрсатишда фойдаланиладиган дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, мазкур стандартларнинг амалиётга тағбиқ этилиши:

* истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш;

* тақдим этилаётган хизматлардан ис-



теъмолчиларнинг тўлақонли хабардор эмаслиги ва уларни тушуниб етмаслиги натижасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда учинчи шахслар томонидан фирибгарлик ёхуд адолатсиз амалиётлар бажарилишининг олдини олиш;

* рақамли молиявий хизматлардан фойдаланишда истеъмолчилар учун юзага келиши мумкин бўлган хатарларни камайтиришга хизмат қилади.

МАСЪУЛИЯТЛИ КРЕДИТЛАШНИНГ УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқаруви томонидан тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари фаолиятида жисмоний шахсларга истеъмол кредитлари ва микроқарзлар ажратиш билан боғлиқ муносабатларда қўллаш учун тавсиявий характерга эга бўлган масъулиятли кредитлашнинг умумий тамойиллари тасдиқланди.

Унда молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар учун:

— кредит шартномасини имзолашдан олдин, имзолаш вақтида ва ундан кейин маълумотларни аниқ ва тўлиқ тарзда ошқор қилиш;

— мижозларга ахлоқий ва адолатли муносабатда бўлиш;

— хатоларни самарали тузатиш, шикоятларни кўриб чиқиш ва низоларни ҳал этиш



бўйича мурожаат қилиш механизмларини таъминлаш билан боғлиқ асосий ёндашувлар мавжуд.

Масъулиятли кредитлаш тамойиллари қарз олу-

чининг истеъмол кредити ва микроқарз олишда оқилона ва асосли қарор қабул қилиши учун кредиторга кўрсатилаётган кредит микроқарз хизматларига доир маълумотларни шаффоф тарзда қарз олувчига тақдим этиш масъулиятини юклайди. Масъулиятли кредитлаш тамойилларининг қабул қилиниши тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари томонидан кредитлар ажратишда қарз олувчиларга адолатсиз ва оғир шартларни белгилашга ёки уларнинг қарз юкини кўпайишининг олдини олишга хизмат қилади.

Масофадан туриб турли мобил иловалар ва тўлов тизимларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади



Бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқаруви томонидан қабул қилинган “Рақамли молиявий хизматларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш стандартлари”да белгилаб қўйилди.

Банк структурасидаги ўзгаришлар



2022 йилда банк филиалларида ходимлар билан ишлаш йўналишида ташкилий тузилмавий ўзгаришлар

2022 йилнинг 21-22 январь кунлари Бош банкда барча филиал ходимлари билан ишлаш мутахассислари ҳамда Ходимлар билан ишлаш департаменти ходимлари иштирокида семинарийгилиш бўлиб ўтди.



Семинар ходимлар билан ишлаш йўналишида 2022 йилда амалга оширилиши режалаштирилаётган ташкилий тузилмавий ўзгаришлар бўйича барча ходимлар билан ишлаш мутахассисларини хабардор қилиш, тушунчалар бериш ва фикр алмашиш мақсадида бўлиб ўтди. Худудий HR менежерлари оптималлаштирилиб, ҳар бир филиалда ходимлар билан ишлаш менежер лавозимлари ташкил этилди.

Йиғилиш давомида Ходимлар билан ишлаш департаментининг барча бўлим бошлиқлари, мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлими бошлиғи, БКУК раиси ўз йўналишлари бўйича ходимлар билан ишлаш менежерлари билан ҳамкорликда ишни қандай ташкил қилиш юзасидан маълумотлар бериб ўтди.

Семинарнинг иккинчи кунда кузатув кенгаши раиси Икром Ибрагимов иштирок этди ва ходимлар билан ишлаш менежерларига ушбу йўналишда ташкилий - тузилмавий ўзгаришлар юзасидан асосий ва зарур маълумот, тавсия ва кўрсатмалар берди. Уларнинг машаққатли ва масъулиятли ишларига муваффақиятлар тилади.

Россиядан пул ўтказмаларини қабул қилишда вақтни тежаш имкони!

“Сбербанк онлайн” тизими — Россиядан “Hamkorbank” карталарига пул ўтказмаларини қулай ва бир зумда жўнатиш усули. “Сбербанк онлайн” иловаси ёрдамида санокли сониялар ичида карталарга пул ўтказиш мумкин:

— Visa ва UnionPay карталарига — AQSH долларларида;

— UzCard ва Himo карталарига сўмда.

Бунда олувчи ҳам, жўнатувчи ҳам банк молия муассасасига бориб юрмайди, ҳаммаси масофадан туриб амалга оширилади.

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР



РОССИЯДАН ТЕЗКОР ВА ҚУЛАЙ ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ

Пул ўтказмаларининг қулай усули ҳақида яқинларингизга айтиш ва картангизга маблағ тушганлиги ҳақида смс-хабарни кутинг.

“HAMKORBANK”ДА ҲАР ҚАНДАЙ ЭҲТИЁЖЛАР УЧУН КРЕДИТЛАР МАВЖУД

Маиший техникасини янгилаш ёки шахсий эҳтиёжлар учун маблағ олиш ниятидаги юртдошларимиз учун:

Микрокарз ва истеъмол кредитлари!

Автомобил харид қилишни истаётганларга:

Автокредит — энг қулай ечим!

Хонадонини кенгайтириш ниятида бўлганлар учун:

Ипотека кредити тавсия этилади.

“Hamkorbank” кредитлари барча эҳтиёжларни қондиришга қодир!



ТАДБИРКОРЛАР УЧУН 300 МИЛЛИОН СЎМГАЧА НАҚД ПУЛДА МИКРОКРЕДИТ



“Hamkorbank”нинг қулай микрокредитлари билан ҳар қандай бизнес шиддат билан ривожланишни бошлайди!

Кредитлар қуйидаги мақсадлар учун тақдим этилади:

Айланма маблағларни тўлдириш учун 18 ойгача бўлган муддатга;

Асосий воситаларни сотиб олиш учун 3 йилга.

Бунда йиллик ставка 24,5 % га тенг.

“HAMKORBANK” VISA КАРТАЛАРИ БИЛАН ТАЪЛИМ ОЛИШ ЖУДА ҚУЛАЙ

Машғулотлар тўлови Visa картаси орқали амалга оширилганда тақдим этиладиган чегирмалар ҳар бир ўрганувчининг манфаатларига хизмат қилади.

British Council — билимларини мукамаллаштириб, дунёда тан олинган IELTS сертификати-га эга бўлиш.

Udemy — кўплаб фойдали курсларга эга онлайн платформа. EdX-Massachusetts технология институти ва Garvard университети биргаликда асос солган интернет-платформа.

Visa карталарини расмийлаштириш ва “Hamkorbank” билан биргаликда таълим олинг!

“Hamkorbank” — биргаликда юксалиш сари!



МУВАФФАҚИЯТИМИЗНИНГ КАЛИТИ — ЙИРИК МИЖОЗЛАР

Филиалимиз 2021 йил якунларига кўра, миждозларга сифатли хизмат кўрсатиш ва тезкор режани бажариш бўйича 1-ўринни қўлга киритди. Тўғриси, бу ютуқлар бизга катта куч ва мотивация берди.

Муваффақиятларимизнинг асосий сабаби бу — миждозларимиздир. Банкимизда жорий қилинган стандартлар асосида тез ва сифатли хизмат кўрсатганимиз боис миждозларимиз сони ортди, натижада тезкор режани биринчи бўлиб бажардик. 2021 йил учун 10,5 миллиард сўм режа белгиланган эди. Биз бу рақамни 13 миллиард сўмга етказдик.

2021 йилнинг биринчи чорагида бўлимимиздаги барча ходимлар билан маркетингга чиқиб, йирик корхоналарга банкимиздаги мавжуд банк маҳсулотларини тақлиф қилдик. Бир неча бора музокаралар олиб бо-

риш натижасида, ушбу миждозларни банкка жалб қилишга эришдик. Улар орасида “Darvoza savdo” МЧЖ (“макро” бренди остидаги энг йирик супермаркетлар тармоғи), “Discover invest” МЧЖ (республикамиздаги энг йирик қурилиш корхонаси), “Grand Road Tashkent” МЧЖ (республикадаги энг йирик йўл қурилиш корхонаси), “Узиккиламчиранглиметалл” АЖ каби миждозлар бор. Мана шу ВПП корхоналар бизга катта даромад келтирди. Ҳозирда улар билан ижобий ҳамкорлик муносабатидамиз. Насиб қилса, ушбу йилда ҳам ютуқларимиз бардавом бўлади.

Ғайрат БЕКБЎТАЕВ,
Юнусобод филиали корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи



Баҳромжон Худайров ота изидан бориб, иқтисодчи бўлишни танлади. Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтини тамомлаб, “Hamkorbank” АТБда иш бошлади. Зийраклиги, изланувчан ва ташаббускорлиги боис соҳанинг сир-асрорларини жуда тез ўрганди. Мана, 11 йилдирки, халқимизга сидқидилдан хизмат қилмоқда.

“ҲАМИША БИРИНЧИЛИККА ИНТИЛАМИЗ” бу “Шоҳбекат” банк хизматлар офиси жамоасининг шиори

Бугун “Hamkorbank” АТБ Шаҳрихон филиалига қарашли “Шоҳбекат” банк хизматлар офисининг ўз миждозлари бор. Бу даргоҳ гарчи кичик бўлсада катта-катта ишларни амалга ошираётган банк муассасаси. Шаҳрихон марказий деҳқон бозори худудида жойлашганлиги боис ҳам миждозлари талайгина. Шаҳрихонлик уста хунармандларнинг молиявий дўстига айланган. Дўппидўзлик, пичоқчилик, тўнчилик ва мебел-

созлик билан шуғулланадиган ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган тадбиркорларга ҳамиша кўмакда.

Ўтган 2021 йил якунларига назар солсак, “Шоҳбекат” БХО энг йирик ва фаолияти намунали 40 га яқин юридик миждозга хизмат кўрсатди. 4 мингга яқин жисмоний миждозлари учун молиявий кўмак берди. Омонатчисининг ўзи 40 нафарга яқин. Йил бошида белгиланган фойда режаси бажа-

рилди. Якунда эса банк хизматлар офислари ўртасида ўтказилган танловда “Энг самарали ишлаган БХО” номинациясида ғолиб бўлган жамоанинг кайфияти аъло. 2022 йилда ҳам ушбу кўрсаткичда фаолиятни давом эттиришни ният қилган. Муҳаммаднурсул Умаров, Дурбек Адхамов каби изланувчан ёшларнинг биринчи ойдаги кўрсаткичлари юқори.

Ўтган йил якуни бўйича Азизбек Алимовнинг “Йилнинг энг яхши БХО истеъмол кредит менежери” номинацияси ғолиби бўлиши ҳам жамоани руҳлантириб юборди.

— Халқимизга хизмат қилаётганимизнинг ўзи биз учун бахт. Амалдаги йилнинг илк чорак режасини ҳам биринчилардан бўлиб бажариб, яна ғолиб бўлишни ният қилганмиз, — дейди БХО раҳбари Баҳромжон Худайров.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.